


Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 4-iyul, payshanba 46 (9013)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚЎМИТАГА ҚАЙТАРИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Хусусан, мажлис аввалида "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа Қонунчилик палатасининг жорий йил 5 мартда ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланган эди. 13 июндаги мажлисда кечган қизгин муҳокама қонун лойиҳаси атом энергетикаси соҳаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, уни янада такомиллаштириб, маромига етказиш, тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан бойитиш мақсадида масъул қўмимага қайтарилган эди.

Утган давр мобайнида ишчи ғуруҳи мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ва иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, депутатлар соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар ишчи ғуруҳи мажлисларида ўрганилиб, янада такомиллаштирилди. Лойиҳа концепцияси доирасида унинг тузилиши қайта кўриб чиқилди.

Депутатларнинг таклифлари асосида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солишда қатнашувчи бошқарув ва назорат органларини аниқ белгилаш мақсадида янги моддалар киритилди. Қонун лойиҳасида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги лицензияланадиган фаолият турлари аниқ белгилиниб, лицензиялаш учун қўйиладиган асосий талаблар ҳам ифода этилди. Соҳада амалга

оширилладиган давлат назорати, ушбу назоратнинг йўналишлари, назоратни амалга оширувчи органлар аниқ белгилаб берилди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистонда атом энергетикасини ривожлантириш ва бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос яратди. Эътиборлиси, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида мустақил экспертлар, жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этди. Ана шундай сермазмун саъй-ҳаракатлар, қонунчилик техникаси талаблари бажарилганидан сўнг лойиҳа пишиқ-пuxта ҳолга келтирилди. Мажлисида касаба уюшмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини рўйбга чикариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди. Депутатлар томонидан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат орқали давлат органлари, иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинибди. Жумладан, касаба уюшмаларига ижтимоий-иқтисодий масалалардаги қарорлар қабул қилинаётганда иштирок этиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнати муҳофаза қилиш ва ходимларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни сўраб тақдимномалар киритиш, ходимларни оммавий ишдан бўшатиш ҳақидаги қарорларнинг мuddатини муайян мuddатга тўхтатиб туриш ва бошқа шу каби ҳуқуқлар берилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Боёут туманидаги Ғаллакор қишлоғида ўтказилган мазкур қабулда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган фуқароларнинг ариза-муаммолари жойида кўриб чиқилди, муурожаатларда кўтарилган масалаларга шу ернинг ўзида ечим топилди. Муурожаатларнинг аксариятини тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, уй-жой, электр энергияси, сув таъминоти, йўл қурилиши каби масалалар ташкил этди.

Сирдарё вилояти ҳокими сайёр қабул ўтказди

— Бўстон қишлоғида зах кўтарилиши, бу ҳудуддан ўтган катта ариқ ун йиллар давомида тозаланмаганилиги оқибатида ховлиларимизни сув босиб кетаяпти, — дейди Сардоба тумани Бўстон маҳалласида яшовчи Илҳом Қаршиев. — Сайёр қабулда вилоят мелиоратив экспедицияси мутахассисларига муаммони атрофлича тушунтирдик. Экспедиция раҳбарлари керакли техника ажратиб, катта ариқни тозалаш, зах сувни қочириш бўйича

амалий ёрдам берадиган бўлди. Муурожаатимиз эътиборсиз қолмагани, биз кўтарган муаммо ортиқча югур-югурларсиз ҳал этилаётганидан хурсандимиз. "1-Боёут" сув истеъмолчилари уюшмаси Озодлик маҳалласида истиқомат қилаётган Нарзулла Пардаев қишлоқдаги 500 метрлик ички йўллари таъмирлаб бериш масаласи бўйича вилоят йўл қурилиши мутасаддиларига муурожаат қилди. Йўл қурилиши масъуллари

муаммони ҳал этиш бўйича шу ернинг ўзида амалий чора-тадбир белгилашди. Сайёр қабулда кўтарилаётган катта-кичик масалаларнинг ортида инсон ҳаёт тарзини яхшилаш, уларнинг ўй-ташвишларини рўйбга чикаришдек улуг вазифалар ётибди. Албатта, бу масалаларга бугун ечим, аниқ жавоб топилса одамларнинг раҳбарларга, давлатга бўлган ишончи шунча ортади. **Бозорбой БЕКМУРОДОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона вилояти

Фарғонада тошдан қоғоз ишлаб чиқарувчи иштисослашган "Fergana stone paper company" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.



Мамлакатимизда тўғридан-тўғри инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида ҳам бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қўллаб-янгил қўшма корхоналар ташкил қилинди. Аини кунларда Фарғона шаҳрида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тошдан экологик тоза қоғоз ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси амалга оширилмоқда. Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев 25-27 апрель кунлари Хитойда бўлиб ўтган "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиб, лойиҳани амалга ошириш бўйича меморандум имзолаган. Давлат раҳбарининг 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида мазкур лойиҳанинг тақдими ўтказилган эди.

Бугун "Сайқал" масъулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг "Henan GX-Mach environmental technology co.LTD" компанияси ўртасида 7 миллион долларлик тошдан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таъяс шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. Келишувга асосан "Fergana stone paper company" қўшма корхонаси таъяс этилди. — Бугунги кунда тарихий жараён устида турибмиз, — дейди "Сайқал" МЧЖ менежери Темур Акрамов.

ТОШДАН ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҚЎШМА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Тошдан қоғоз ишлаб чиқарилади. Лойиҳа ташаббускори Абдурахмон Ниёзовнинг айтишича, қоғоз тайёрлаш жараёнида экологияга ҳеч қандай зарар етмайди, балки оддий тош ёки кальцийдан фойдаланилади. Лекин тош қоғознинг сифати целлюлоза қоғозниқидан бутунлай фарқ қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экологик тоза. Масалан, оддий қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида целлюлоза ва катта миқдорда сув керак бўлади. Ана шу сувнинг учдан бир қисми захарли моддалар ҳисобланади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса сув керак бўлмайди. Бундан ташқари, маҳсулот суда эримайди, ёзувлар узок мuddат давомида ўчиб кетмайди. Аллергик касалликларни келтириб чиқармайди. Таннархки ва сифат даражаси оддий қоғозга нисбатан бир неча баробар арзон. Эслайтиб ўтамиз, тошдан қоғоз ишлаб чиқариш индустрияси саннат даражасида фақатгина Хитой ва Тайвань давлатларида йўлга қўйилган. Фарғона вилояти маъмурий марказида Хитой билан имзоланган бугунги шартнома эса улар қаторига Ўзбекистонни ҳам қўшди. **М.СУЛАЙМОНОВ,** ЎЗА мухбири.

Халқаро пресс-клубнинг бу галги сессиясида Президентимизнинг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ мамлакат солиқ тизимида амалга оширилаётган янги ислохотлар мазмун-моҳияти шарҳланди.

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР КЕРАК

Эндиликда кимлар қўшилган қиймат солиғи тўлайди, бу жараён қандай амалга ошади, аҳамиятли жиҳати нималарда намоён бўлади, ва умуман, бизнинг жамиятимиз қўшимча қиймат солиғини тўлашга тайёрими каби саволларга мутахассислардан қисман жавоблар олинди. — Мазкур фармонга мувофиқ, жорий йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши мумкин, — деди Савдо-саннат палатаси раиси Адҳам Икромов. — Шунингдек, календарь йили давомида тизмаларни реализация қилишдан олган ҳузумати 100 миллион сўмдан ошган, бирок бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган

телекоммуникациялар операторлари ва ёки провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи солиқсизини тўлашга ўтади. Бу ўзгаришларни мамлакат тадбиркорлари қандай қабул қилди, деган савол туғилди. Қўшилган қиймат солиғини 35 минг тадбиркор тўлаб келётган эди, бугун уларнинг сони 48 мингга етди. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнидаги ўзгаришларни таъминлаш жараёнида фаол қатнашганлар буни тўғри тушунади. Ҳар бир давлатда солиқларнинг физи турлича. Биз ҳамма тадбиркорлар фикрини эшитишимиз шарт ва инobatта олишимиз керак. (Давоми 2-саҳифада)

БИЗГА УЧИНЧИ ДУНЁ БЎЛИШ МАЪҚУЛМИ?

ёҳул нега раҳбарлар обуна хақида гапиришдан чўчийдиган даврга етиб келдик?



Бугун ростмана ахборот замонида яшаймиз. Дунёнинг нариги четида юз берган оламшундуқ ҳодисадан зум ўтмай хабардор бўлаёямиз. Чунки глобал ахборот тармоғи бўлган интернет ана шундай имкониятни яратди. Шу боис, ахборот тарқатишда интернет нашрлари барча оммавий ахборот воситаларидан бир кадам олдинда. Телевидение, радио ва босма нашрлар эса бу борада бироз ортада қолаётгани ҳақиқат. ТВ ва радиода воқеликни тасвирга тушириш ёки овоз ёзиш, унинг матнини тайёрлаш ва монтаж ишларини амалга ошириш каби жараёнлар туфайли вақтдан ютқазса, вақтида чоп этилган газетанинг обуначига етиб бориши қийин кечадди. Лекин бир нарса аниқ, ТВнинг қамрови кенг, деярли ҳар бир хонадонда телевизор ва радио бор. Бироз кечроқ бўлса ҳам омма янгиликлардан хабардор бўлиб боради. Бугун интернет тармоқлари газета-журналларни "синдириди", деган гап ҳам бор. Бу жумлани сал тахир қилиб, интернет ахборот маконида газета-журналлардан ўзига тегишли йўналишни ўзлаштириб олди, десак тўғри бўлади. Зотан, газета-журналлар фаолиятига эҳтиёж бор. Гап уни қандай қилиб ўзиники қилиб олишда? Газета вақтида чиққан тақдирда ҳам обуначининг қўлига тезлик билан етиб бориши мушкул масалага айланган. Чунки обуна қилиш ва босма нашрларни тарқатишда аниқ бир тизим йўқ. Тўғриси айтиш керак. Бу юмуш аксар ҳолатда бир тўда олоқ ва фирибгарларнинг тиркичилик манбаига айланади. Улар ўзларини тадбиркор, дея аташади. Чунки тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Улардан ўзинг чиқарадиган газетанинг маблағи, тарқатилиши ва обунаси тўғрисида суриштирсанг, тадбиркорнинг ишига халақит беряпсан, дея аюҳаннос солади. Ваҳоланки, тахририят билан ҳамкорлик бўйича шартнома тузган обуна билан шуғулланувчи фирмалар тахририятларнинг миллиардлаб маблағини туя қилиб юришибди. Тахририятнинг эса жон сақлаб турган 3-4 ходимига улар думини ушламайди. Айрим устамон тадбиркорлар эса қарзани тўламаслик учун фирмасининг фаолиятини тугатиб, бошқа номдаги фирма остида яна юлғичликни давом

эттирмақда. Унинг фирмаси ёпилганидан тахририятлар ҳаттоки хабар ҳам топмай қолаверишади. Бу ҳолатдан ҳам тахририят, ҳам обуначи бирдек зарар кўрмақда. Агар газета маънавият воситаси бўлса, маънавият ва эиё тарқатишни тижоратчининг қўлига топшириб бўлмас экан. Чунки, тижоратчиман, деганининг ҳаммаси учун ҳам пул биринчи даражададир. Пулни иқтисод қилиш учун эса газетанинг тўртта сонини обуначига бир мартада олиб бориб берса, бундан халққа наф йўқ.

Яна бир масала борки, газетадан баҳраманд бўлмаган мардум ижтимоий тармоқлардаги барча "янгиликлар"ни ҳазм қилишга мажбур. Ижтимоий тармоқда берилётган янгиликларни ёзаётганларнинг ҳаммаси ҳам журналист эмас. Ким халқига нима қилса ўшани ёзади. Хуллас, миямиз бўлмағур ахборотлар билан тўлиб тошади. Аслида қайсидир отарчининг ҳамкасбларига иддаоли муурожаатини ўқишдан халқ учун ҳам, жамият учун ҳам наф йўқ.

Биз юқорида интернет нашрларида ахборотнинг тезкорлик билан оммага етказилишини эътироф этдик. Бироқ бу тезкорликдан фақатгина пойтахт ва вилоятлар марказларидagina одамларнинг бир қисмигина фойдаланмоқда. Олис ҳудудларда яшовчи ҳамюртларимиз шундоқ ҳам алоқа сифати ҳаминқадар бўлган шартнода уларнинг хонадонига на интернет кириб борган, на газета. Электр токи ўчиб қолмаса, телевизор кўра олади, холос. Яқинда қишлоғимга борсам, халқимиз севган машхур санъаткорнинг вафот этгани тўғрисида сўраб қолди. Аслида бу воқеага қарий икки ой бўлган. Ана энди аҳволни ўзингиз чамалайверинг... (Давоми 4-саҳифада)

Навоий вилояти

Муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди

Навоий шаҳридаги "Бунёдкор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида вилоят ҳокими Қ.Турсунов навбатдаги оммавий сайёр қабулини ўтказди.

Вилоят мутасаддилари иштирок этган мулоқотда нафақат Навоий шаҳри, балки қўшни ҳудудлардан ҳам фуқаролар ўз муаммолари ҳамда таклиф ва мулоҳазалари билан қатнашди. Бўлиб ўтган сайёр қабулда 34 нафар фуқаро томонидан 41 та турли мазмундаги муурожаатлар йўлқаниб, уларнинг 11 таси жойида ҳал этилди. Муурожаатларнинг 15 таси бўйича эса тегишли масъуллар томонидан қонуний тушунтиришлар берилди. Муддат талаб қилганлиги боис, 15 та муурожаат ўрганиш жараёнида.

Қайд этиш керак, муурожаатларнинг аксариятини уй-жой, бандлик, банк кредити билан боғлиқ масалалар ташкил этмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, аҳолининг ҳар бир муурожаати алоҳида диққат-эътиборда.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон вилояти

Кўрғонтепа туманидаги кўп тармоқли "Оқ сув" фермер хўжалиги томонидан интернетга жойлаштирилган реклама Россия пойтахтидаги бир қатор йирик савдо марказларига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берувчи "Трейд сервис" компанияси ижрочи директори Татьяна Качагарованинг эътиборига тушди. У етакчи технолог Настя Олеско билан Андижон томон хизмат сафари уюштиришга қарор қилди.

Хўш, москвалик тадбиркорнинг ушбу ташрифига нима туртки берди? Сўз юритилаётган "Оқ сув" фермер хўжалиги фаолиятида халқаро андозалар даражасида иш юритиш сари интилиш бор. Ушбу хўжаликда кўплаб фермерларнинг назарига тушаётган янгиликлар борки, кўрган одам ҳайратга тушмасдан қолмайди. Пахтачилик, галлачилик, чорвачилик йўналишида жорий этилган ва бойитиб борилаётган технологиялар борки, "Оқ сув"нинг жозибадорлигини намойиш этиб турибди.

Москвалик тадбиркорнинг Андижонга ташриф буюришига нима туртки берди?

Жойлагач, маҳаллий ва хорижий мижозлар алоқага чиқа бошлади. Жумладан, Татьяна Качагарова ҳам ҳамкорликда ишлашга тайёр эканлигини билдирган ҳолда видео роликда тасвирланган маҳсулотлардан харид қилишни билдирди. Онлайн тарзда шартнома тузилди ва Москвадан кўп сизимли 2 та юк машинаси етиб келди. Қиссадан хисса шуки, фермер хўжалиги ҳисобига 33 минг АҚШ доллари тушгач, юк машиналари Москва томон йўл олди.

Билдиришди. Орадан кўп ўтмай юк машиналари етиб келди. 20 тонна гулқарам ва 10 тонна музлатилган Андижон қора гилоси Россия бозорлари сари йўл олди. Хисоб-китобларга кўра эртаки ва кечги гулқарам, ширин маккажўхори, булғор қалампирига мўлроқ буюртма тушди. Шунингдек, олма, кўк ловия, аччиқ қалампир, ошқоқоқ каби музлатилган маҳсулотлар савдоси бўйича ҳам келишувлар бар.

Муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Бугун юртимизда айни пишиқчилик палласи. Барчамиз кўриб турибмиз, қай юртларда кўзга суртиладиган ўрик ва олмалар тўкилиб, исроф бўлаётир. Хорижий бозорга чиқишда камчиликларимиз бисёр эканлиги ҳар қадамда кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, оддий видео роликлар тайёрлаш ва интернет тармоқларига жойлаштириш орқали мижозлар гавжумлигини таъминлаш мумкин эканлигини оддий фермер ўз иш фаолиятида исботлаб берди.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ўрик ҳосилдорлигини ошириш учун баҳорда дарахтларга қаватлаб шакл берилади. Биринчи қаватда иккита шох қолдирилиб, кейинги шохлар бир-биридан 30-35 см. масофада жойлаштирилади. Кучли ривожланган шохлар ҳар йили сийраклаштирилади, қуриган ва тана ичига қараб ўсган шох-шаббалар олиб ташланади.

Ўрик парваришида нималарга эътибор қаратиш зарур?



Ўн сотихли томорқадаги ўрик дарахтларига соф ҳолда 300-350 г азотли, 250-300 г фосфорли ва 200-250 г калийли ўғитлар солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2-3 йилда ўртача 50-60 кг. қириган гўнг солиш ҳосилдорлигини оширади. Бўз тупроқларда ўрик дарахтлари ўсув даври мобайнида 4-6 марта, шағалли ерларда 10-12 маротаба сугорилади.

Ўрик дарахтига зараркундалардан мева каныси, бинафша ранг қалқондор, касалликлардан кулранг чириш, клястероспориоз (тешик доғ) зарар келтиради.

Бинафша ранг қалқондорга қарши эрта баҳорда, куртақлар ёзилгунга қадар 10 сотихга препаратлардан Перфекто 15-20 мл. Ёки Багира 20 мл. миқдорда, мева канысига қарши Перфекто препараты 15-20 мл. ҳисобига пуркалади. Клястероспориоз касаллигига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (100 л сувга 3 кг. мис купороси ва 3 кг. сўндирилмаган оҳақ) эритмаси сепилади. Касалликка қарши препаратлар куртақлар ёзилгунга қадар, кузда ва эрта баҳорда пуркалади.

Самарқанд вилояти

"Чандлер" ёнғоқлари Ургут заминидан парваришланади ва ҳосили қайта ишланади

Ургутнинг Қоратепа, Зинак, Бойқишлоқ, Хўжайдук каби қишлоқлари тоғлар билан туташиб кетган. Аммо қишлоқлар билан туташ худудларда сув танқислиги боис, экин экишни шилжончи йўқ эди. Лалми юзлаб гектар майдонлар ақин йилларда ҳам баҳор пайтларда яшил тусга киришни ҳисобга олмаганда, ёзда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган даражадаги бир чўлни эслатарди.



Бугун эса бу ерларни бундай атаб бўлмайди. Аниқроғи, давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг Ургутнинг тоғолди худудларида, лалмикор ерларида шу пайтга қадар инсон зоти томонидан англанмаган уйғониш юз берди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги "Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида бундай худудлардаги эзгу ишлар салмоғи янада кучайтирилди, интенсив ёнғоқзорлар барпо этилди. Бунинг учун АҚШ, Туркиядан тезлишар, оқ мағизли, жаҳон бозоридан талаб юқори бўлган "Чандлер" навли ёнғоқ кўчатлари келтирилди. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири совуққа чидамли бўлиши билан бирга, мамлакатимиз иқлимига мос ва серҳосиллигидир.

Президентимиз 2016 йилда Ургутга ташриф давомида туманининг лалми, тоғолди ерларидан самарали фойдаланиб, интенсив узулчичилиги ривожлантириш, писта, бодом, унаби ва ёнғоқ экиш юзасидан топшириқлар берган эди, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Бекзод Тугалов. — Қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ажратилган ер майдонлари ҳисобига 1857 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу ерларнинг 1700 гектаридан 2020 йилга қадар ёнғоқзорлар барпо этиш мўлжалланган. Лойиҳалар туфайли 7300 та янги иш ўрни яратилди.

Туманда хориждан келтирилган ёнғоқ кў-

чатларини маҳаллий шароитда етиштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, "Темур Тўлаган кўчат ва ниҳоллари" фермер хўжалигида ёнғоқнинг "Чандлер" нави кўпайтирилмоқда.

— Ўтган йил декабрь ойида Туркия давлатида бўлдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Одил Бобоев. — У ерда бизлар ҳамкорларимиз ишлари билан танишдик ва ўзимиз билан "Чандлер" навли ёнғоқдан олиб келдик. Бу навли ёнғоқ иқлимимизга мослиги, оқ мағиз ва экспортбўлиги билан бизга маъқул бўлди. 2 гектар майдонда 300 мингта ёнғоқ эккан эдик. Ниҳоллар тўлиқ униб чиқиб, гуржираб ўсмоқда. Улар бир йилдан кейин пайванд қилинган, тайёр дарахтга айланади. Келгусида кўчат майдонларини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Айтишларича, уч йилда ҳосилга қирадиган ёнғоқнинг мазкур нави дастлабки йилда ҳар бир тупидан 10-15 килограммдан, гектаридан эса 4 тоннагача ҳосил берад экан. Дарахт тўққиз йиллик бўлганда тўлиқ ҳосилга қиради ва ҳар гектар ҳосил салмоғи 8 тоннани ташкил этади.

Эндигина иш бошлаган Ургут иқтисодий зонасида ёнғоқ ҳосилини қайта ишлаш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, дарахтлар тўлиқ ҳосилга кирган, ёнғоқзорга яқин худудда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда маҳсулотни қайта ишловчи махсус завод бунёд этилади. Бу ерда ёнғоқ қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

Ақтамжон БЕРДОНОВ

ҚЎМИТАГА ҚАЙТАРИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда касба уюшмаларига қўлай шароитлар ва қафолатларнинг яратилишига, давлат органлари, иш берувчилар ҳамда касба уюшмаларининг ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда "Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сон конвенциясини (Женева, 1947 йил 11 июль) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сон конвенциясини (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳалари Президентимизнинг 2018 йил 20 августдаги "Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Хавфсиз ва ҳимояланган меҳнат" чора-тадбирлар дастурига асосан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан шу бугунги кунга қадар Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) 15 та конвенцияси ратификация қилинган. Ташкилотнинг 81- ва 129-сонли конвенциялари ҳам устувор ҳужжатлар сирасига қиради. Мазкур конвенцияларга мувофиқ, ташкилотлар томонидан фуқароларнинг

меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувни амалга ошириш, иш кунни муддати, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, болалар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисидаги қондалар қўлланилишини таъминлаш, бу борада иш берувчилар ва ходимлар ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш каби масалалар инспекциянинг асосий вазифаларига қиради. Ўзбекистонда мазкур вазифалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси томонидан амалга ошириб келинмоқда. Қонун ҳужжатларида меҳнат соҳасидаги фундаментал принциплар ва ҳуқуқлар белгиланган бўлиб, уларда мазкур конвенцияларга зид ёки мос келмайдиган қондалар мавжуд эмас.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу конвенцияларни ратификация қилиш халқаро меҳнат стандартларини миллий қонун ҳужжатларига таъбиқ қилишни давом эттиришга, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини янада яхшилашга кўмаклашади.

Мажлисда парламент куйи палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Депутатларнинг қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР КЕРАК

(Боши 1-саҳифада)

— Тадбиркорлик субъектларига нисбатан асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт шартномалари юзасидан муддати ўтган дебитор қарздорлик учун молиявий жазо қўлланилмайди, — деди Давлат солиқ қўмитаси раиси Бехзод Мусаев. — Шу каби буюмларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 кундан ортиқ бўлса ана шундай имкониятга эга бўлади. Бу ўзгаришлар солиқ юкнини камайитириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Даромад, мол-мулк солиғи, сугурта бадалининг туширилишини ҳисобга олиш керак. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 571 минг иш ўрни яратилди, десак бўлади. Бу солиқ тизимидаги ислохотлар тўғри эканини кўрсатапти.

Бу йўналишдаги ислохотлар соғлом рақобат муҳитини сақлаб қолишга хизмат қилади. Имтиёзлар бекор қилиниши натижасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Катта ер эгалари йирик бизнес объектлари га кириб боришида занжирлар узилаётгани учун уларнинг фойдасини кўз-

лаб шундай йўл тутилди. Божхонадаги имтиёзлар ишлаб чиқарувчиларнинг бозорини синдираётгани ҳисобга олинди. Шу сабабли божхонадаги бир қатор имтиёзлар ҳам бекор қилинди.

— Сўнги йилларда инвестиция нима эканини ўргана бошладик, — деди Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов. — Аввал буни англамаганмиз. Бу ўзгаришга инвесторлар нима дейди? Инвесторлар учун нима муҳим? Албатта, шарт-шароитларнинг тенглиги, қўлай муҳит бўлиши зарур. Тоифалар учун берилган имтиёзлар рақобат тенг бўлишига халал бераётган эди. Ҳозир юртимизда қизикаётган ҳориқчилик инвесторлар ҳамма тенг бўлишни талаб қилаяпти. Аввал имтиёз сўраган бўлса, энди имтиёз керак эмас, ҳамма учун тенг шароитлар бўлиши сўраяпти. Бу адолатли бўлади.

Таъкидландики, инвесторларнинг фаолиятига оид фойда бермаётган ҳужжатлар бекор қилиниб, инвесторлар ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қиладиган қонун ҳужжатига эҳтиёж бор. Ўзбекистон дунё бозоридан ўз ўрнини топи-

ши учун рақобатбардош ишлаб чиқарувчилар керак. Бу келажакни қафолатлайди. Қўшилган қиймат солиғи тўланиши бир тизим сифатида занжирли халқга айланади. Шунда бир қадар кўтариладиган кўринган нарх-навоми ҳам аста-секин жойига тушириш мумкин. Агар тизимдаги ҳамкорлик занжири узилса, яна қийинчиликлар содир бўлади. Эндликда қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган ишлаб чиқарувчилар ва савдо объектларининг ўзаро ҳамкорлигида иш олиб бориши осонлашади.

— Агар фермер хўжаликлари бизга тўғридан-тўғри муурожаат қилса, уларнинг қўшилган қиймат солиғини тўлаш ёки тўламаслигини сўраймиз, — деди "Корзинка.уз" супермаркетлар тармоғи асосчиси Зафар Хошимов. — Албатта, қўшилган қиймат солиғи тўлайдигани билан ҳамкорлик қилганимиз. Сабаби савдо занжири узилса, бу нарх-навога салбий таъсир кўрсатади.

Мулоқот давомида тадбиркорлар, фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Саволларига жавоб олди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎЗА мухбири.

САЙЁР ҚАБУЛДА МУРОЖААТ ҚАЧОН КЎПАЙМАЙДИ?

Вилоят ҳокими Эргаш Солиев Мирзачўл туманидаги "Ангидала" қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказган сайёр қабулда фуқароларнинг 60 та муурожаати ўрганиб чиқилди.

Жиззах вилояти

Бирок бу масаланинг ечими эмас. Бу иш одамларнинг муурожаатларини кутмасдан белгиланган режа асосида йўлга қўйилиши керак эди. Чунки одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш

Мурожаатлар сони олдинги шундай сайёр қабуллардагига қараганда анча кам бўлди. Агар шу кун ҳоким виллоят, туман ташкилот ва идоралари раҳбарини ўзи билан бирга олиб келмаганда, қишлоқ хонадонларига газ баллонлари тарқатилмаганда, туман давлат хизматлари маркази аҳолига сайёр хизмат кўрсатмаганда муурожаатлар анча кўп бўлиши аниқ эди. Айнан

шу масалалар бўйича муаммолар сайёр қабул кунини ҳал этилди. Жумладан, анчадан буён газ таъминотидан қийналаётган қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги бу масалада ёрдам сўраш учун ҳокимнинг келишини интиқлик билан кутаётган эди. Шу кунини газ баллонлари алмаштирилиши одамларнинг кундалик эҳтиёжларидан бирини қондирди.

Шунинг учун виллоят ҳокими Э.Солиев ҳар бир катта-кичик раҳбар ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ бажарса, сайёр қабулда юзлаб муаммоларни муҳокама қилишга ҳожат қолмаслигига йирилганларнинг эътиборини қаратди. Сайёр қабулдан мақсад маҳаллий ташкилотлар вакиллари доирасидаги кундалик ишларга аралашиб эмас, жойида ҳал этиш имконияти бўл-

маган муаммоларни ҳал этишда кўмак бериш эканини таъкидлади ҳоким. Ечими виллоят, республика ташкилотларига боғлиқ бўлган ўндан зиёд муаммолар ҳам муҳокама этилиб, муурожаат қилувчиларга қониқарли жавоб берилди. — Қишлоғимизда мактабгача таълим муассасаси очиб масаласида қилган муурожаатларимиз натижасиз қолаётган эди, — дейди қишлоқнинг Турон кўчасида яшовчи Дилбар Шамсиддинова. — Виллоят ҳокимининг сайёр қабулида бу масала тегишли идораларнинг раҳбарлари билан батафсил муҳокама қилинди. Ҳоким қишлоғимизда 80

ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилиши бўйича ҳужжатларни тайёрлаш учун мутасадди раҳбарларга топшириқ берди.

Шунингдек, сайёр қабулда қишлоқда сизот сувларнинг кўтарилишини бартараф этиш, йўлларни таъмирлаш, тиббиёт муассасаси фаолиятини яхшилаш ва бошқа қатор соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан қилинган муурожаатлар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Сайёр қабул доирасида давлат хизматлари маркази, туман тиббиёт бинолари, "Жиззах доктор-дармон" масъулияти чекланган жамъияти томонидан кўма хизматлар кўрсатилди. Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.



Дилбар ХАЙДАРОВА

Ўзбекистон далалари турар ёниб, Тандир-тандир нон ёпади қучоғидан. Бугдойзорлар товланади олтинланиб, Ноннинг иси келар ҳар бир бошогидан.

Ўзбекистон қаддин тутар, бағри тўлиб, Улуғ элнинг бус-бутундир доим нони. Оқ яқтакли деҳқон келар кўнжи тўлиб, Чумолидай елкасига ортган донин.

Ўзбекистон айланайин бугдой юртим, Сенинг азиз туяроғингни нондай ўнай. Осмондаги кўёш каби нонни уздим, Сават тўла кўёшларни сизга тутай.

Ўзбекистон – меҳнатқашим отам менинг, Бугдойзорга меҳр қўйиб ёз, қишлаган. Ўзбекистон сажийликда хотам, менинг, Шейримдаги бугдой сўзим олқишлаган!

Наманган вилояти

ФЕРМЕРНИНГ ҒАЛЛАДАН ОЛАДИГАН СОҒ ДАРОМАДИ 100 МИЛЛИОН СЎМДАН ОШДИ

Наманган вилояти ғаллакорлари эришган ғалабада дон етиштириш бўйича катта тажриба орттирган норинлик миришкорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Туманда жорий йил ҳосили учун салкам 4 ярим минг гектар майдонга эртаки "Бобур", "Чиллаки", "Аср", "Андижон-4", ўрта пишар "Таня", "Гром", "Андижон-2", "Давр" каби серҳосил навлар экилиб, юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилинди. Айниқса, қишлоқ хўжалигига кластер усулининг татбиқи этилиши катта самара берди. Техника хизмати, ёнилғи ва минерал ўғит таъминотида узлишларга

йўл қўйилмади. Иш ҳақи ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилди. Натижада мавжуд ғаллазорларда мўл-кўл ҳосил яратилишига эришилди. – Ўрим-йиғимга пухта ҳо-зирилик кўрилгани мавсумни тезу соз ниҳоясига етказиш имконини берди, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалигига кластер усулининг татбиқи этилиши катта самара берди. Техника хизмати, ёнилғи ва минерал ўғит таъминотида узлишларга

билан 25 иш кунда товар ва уруғлик дон етиштириб бериш бўйича тузилган шартномалар ортиги билан удаланди. Эришилган муваффақиятга "Бўстон", "Норин", "Тошкент", Шамсидинов номли ММТПлар худудларида фаолият кўрсатётган фермер хўжаликлари айниқса, салмоқли ҳисса кўшди. "Фахридин иқболи", "Бойматова Донахон", "Қамбарали ота набираси Бахтиёр", "Муҳаммадjon ўғли Тўйчибек" каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 75-80 центнердан ошди.

Туманда аънамага содиқ қолиб бу йил ҳам қарвонбо-



шилиқни қўлдан бермаган "Бўстон" ММТПга соҳада донг таратган Маматовлар сулоласининг кенжа вақили Ақромжон Маматов етакчилик қилади. Ушбу фермер хўжалигида ҳосил кўрсаткичи 75 центнерни ташкил этиб, режа

171 фоизга удаланди. Биргина ғаллачиликнинг ўзидан олинандиган соғ даромади 100 миллион сўмдан ошадиган бўлди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фаргона вилояти

Чиндан ҳам туманда бу йил ғалла йили бўлди. Фермер хўжаликларининг деярли барчасида ўрим-йиғим ишлари юқори уношқоқлик билан ўтказилди. Омборлар донга, кўнгишлар шодликка тўлди.

– Жорий йилда ғаллакорларимиз қарийб 6 минг гектар ерда баракали ҳосил етиштирдилар, – дейди Ўзбекистон тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Дилмурод Қодиров. – Ўрим-йиғим отрядларининг самарали ишлаши учун зарур шартнолар яратилди. Отрядлар хузурида дам олиш хоналари, кўчма ошхона, тезкор устахоналар ишлаб турди. Аксарият кўнлари тунда ҳам

ғалла ўрилиб, пешма-пеш омборларга етказиб берилди. Яратилган шароитдан барча хурсанд бўлиб, 16 иш кунда туман режаси адо этилди. Давлат омборларига режадаги 16 минг 545 тонна ўрнига 17 минг 500 тоннадан ортиқ юқори сифатли ғалла етказиб берилди. Давлатта ғалла сотиш ҳали давом этмоқда. Ғаллакорларимиз режани 20 минг тоннага етказиш мақсадида ўрилмай қолган ерлардаги ҳосилни

ўриш ишларини жадаллик билан олиб бораётдилар.

Юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари бу йил кўпайди. Ҳатто ўнлаб фермерлар ҳар гектар ер ҳисобига 80-90 центнердан ҳосил олиб, юқори кўрсаткичга эришдилар. Масалан, "Аъзамхожи Бўриев", "Ҳади-чабегим Мадинабону", "Хумор Кўшқўноқ Юлдузи", "Анвар Иқром Конизар", "Рафиқжон ўғли Баҳодир", "Валиев Мухторжон" фермер хўжаликларида ҳар гектар ер ҳисобига олинган ҳосил аввалги йиллардагидан анча кўп бўлди.

– Контракция шартномасига асосан 35,8 гектар ерда бошоқли дон экинлари парваришлаб, давлатга 117 тонна ўрнига 150 тонна



сара бугдой сотдик, – дейди "Носир чавандоз" фермер хўжалиги бошлиғи Нозимжон Амиров. – Гектарига ҳисоблаганда, 65 центнер атрофида ҳосил олдик. Ихтиёримизда 40 тоннага яқин ғалла қолди. Уни аввало, фермер хўжалиги аъзоларига, механизатор, сувчиларга, маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга тарқатяпмиз. Даромад ҳақида гапирсам, бир тонна ғалла учун 1 миллион 200 минг сўмдан эмас, гектарига 40 центнердан ошириб ҳосил олганимиз учун 1 миллион 450 минг сўмдан ошириб ҳақ ҳисобланди. Яқинда ту-

манда кейинги йил ҳосили учун кўпроқ очиқ майдонларга ғалла экиш тўғрисида мутахассислар кўргазмали семинар ўтказди. Италия технологиясини қўллаш ҳақида фикрлар билдиришди. Шунда гектаридан 80-100 центнердан ҳосил олиш мумкин экан.

Фермер эндиги асосий эътибор 30 гектардан ортиқ ердаги ғўза парваришига қаратилишини таъкидлади. Ғўзанинг бугунги кундаги ҳолати гектарига 40 центнердан ҳосил етиштирилишидан далолат бериб турибди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЭЪЛОН

Ҳурматли тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

"KOSMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ ТАКРОРИЙ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 1 июлдаги 689-сонли буюртманомасига асосан:

1. Андижон вилояти, Олтинкўл туманида жойлашган умумий майдони 7000,0 кв. метр, қурилиш майдони 6913,0 кв. метр, 5 та литердан иборат бўлган "Оқтепа деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 2 242 071 000 сўм.

2. Жиззах вилояти, Арнасой туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв. метр, қурилиш майдони 995,9 кв. метр, 3 та литердан иборат бўлган "Арнасой деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 416 940 000 сўм.

3. Сирдарё вилояти, Ховос туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв. метр, қурилиш майдони 892,0 кв. метр, 9 та литердан иборат бўлган "Ховос деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 1 962 303 000 сўм.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ туманида жойлашган, умумий майдони 2600,45 кв. метр, қурилиш ости майдони 1462,15 кв. метр, савдо расталари, автотураргоҳ 3 та литердан иборат, 1 қаватли "Қораўзақ деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 5 081 062 661 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 12 июль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 12 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 17, 22 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: – юридик шахслар учун давлат рўйхатидаги ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; – жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулкнинг 1 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Kosmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Таниқли олим, моҳир педагог, таълим фидойиси

Маълумки, жамият тараққиёти, таълим-тарбия самарадорлиги, ҳаётдаги янгиликлар фидойи кишиларнинг меҳнатига, ижодкорлик салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Биз уларнинг ҳаёт йўлларида, касбдош сифатида улашган панд-насиҳатларидан оладиган сабоғимиз – эзгулик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, илмга ташналик каби фазилатлардир. Шундай инсонлардан бири Пирназар Давроновдир.



қаратди. Қишлоғининг обод бўлишига ўзининг ҳиссасини қўшди. 2009 йил Пирназар Давроновнинг ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Шу йили олим институтида давом эттирган устоз 2009 йилгача мазкур институтнинг илмий-услубий кенгаши қотиби, "Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси" мудири лавозимларида ишлади. У институтда "Интерфаол дарслар лабораторияси"ни ташкил этиб, ўзининг педагогик маҳорат мактабини яратган. Профессор-ўқувчилар учун қатор йиллар давомида очиқ маҳорат дарсларини ўтказиб келган.

Пирназар Давронов нафақага чиққанидан сўнг, ишлаш билан бирга фаолиятининг бир қисмини ўзи туғилиб ўсган Жом қишлоғига

Пирназар Давронов Самарқанд вилоятининг Нуробод туманига қарашли Жом қишлоғида туғилган. У ўрта мактабни тамомлагач, С.Айний номли Самарқанд Давлат педагогика институтининг Физика-математика факультетини да тахсил олди. Қори-Нибёзий номидаги ЎзПФТИнинг кундузги аспирантурасида ўқиди. Сўнгра Москва шаҳрида "Ўқувчилар ўзлаштирмаслигининг олдини олишда мактаб ва оила ҳамкорлиги" мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Собиқ Иттифоқ Олий Аттестация Комиссиясининг қарорига кўра, олимнинг илмий иши йилнинг энг яхши экспериментал диссертацияси, деб топилди, муносиб баҳоланди.

Пирназар Давронов узоқ йиллар Жиззах давлат педагогика институтинида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан лаво-

зимларида муваффақиятли фаолият юртиди. 1992 йилдан Халқ маорифи аълоҳиси, 1989 йилдан "Олий математика" кафедраси доценти, 1994 йилдан шу кафедра профессори бўлди. Орадан бир йил ўтиб, иш фаолиятини шу пайтдаги Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтинида давом эттирган устоз 2009 йилгача мазкур институтнинг илмий-услубий кенгаши қотиби, "Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси" мудири лавозимларида ишлади. У институтда "Интерфаол дарслар лабораторияси"ни ташкил этиб, ўзининг педагогик маҳорат мактабини яратган. Профессор-ўқувчилар учун қатор йиллар давомида очиқ маҳорат дарсларини ўтказиб келган.

Пирназар Давроновнинг математика, тарих, таълим-тарбия, қишлоқ хўжалиги, сув захира-ларини ҳосил қилиш имконияти

лари ва улардан фойдаланиш, "Обод қишлоқ" дастури йўналишларида юздан ортиқ илмий ишлари, услубий қўлланмалари нашр этилган. Ўзи туғилиб ўсган Жом қишлоғи тўғрисида кўплаб мақолалари билан биргаликда "Жомлик Алпомиш авлодлари", "Самарқанд Жоми", "Муствақиллик йилларида гуллаб яшнаётган Самарқанд Жоми", "Жондан азиз Жомим: унинг тарихи, буғуни, эртаси" номли китоблари чоп этилган.

Жомликларнинг, жумладан, Пирназар Давроновнинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд давлат Архитектура-қурилиш институтининг бир гуруҳ олимлари 7 нафар талаба билан биргаликда "Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғини замонавий

агросаноат мажмуалари асосида ривожлантириш концепцияси" мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришди. Натижада, қатор таклиф лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Пирназар Давронов бугунги кунда Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий марказида тингловчиларга дарс бериш билан бир қаторда, талабаларга китоб ўқитиш ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини ўз устида ишлатиш механизминини яратиш йўналишларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Пирназар Давроновнинг фикрича, инсон вақти келганда қотиб қолган фикрлардан воз кеча билиши керак. Янги гоёлар, таклиф ва мулоҳазалар кишига ҳар доим ҳам ёқармайдими. Бироқ жамиятга, давлатга, эл-юртга нафи тегадиган қарашларга ён бериш, имконият даражасида қўллаб-қувватлаш катта ютуқларга омили бўлади. Фанда ҳам шундай. Демак, янгиликдан қўрқмаслик янги марраларга эллади.

Таниқли олим, моҳир педагог, таълим фидойиси Пирназар Давронов табарруқ 70 ёшни қарши олди. Шу муносабат билан кўп сонли ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари ва яқинлари қаторида домлани муборакбод этамиз, мамлакатимиз таълим соҳасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётган ишларига бош-қош бўлиб юришларини тилаймиз.

С.УСМОНОВ, Самарқанд вилояти ХТХҚТМОХМ директори.

